

ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Раупова Махбуба

Наманган вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва муофаклаштириш худудий
бошқармаси Тўрақўрғон туман 2-сон касб-хунар мактаби Махсус фан ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6969345>

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ёшларни иш билан таъминлаш ва улар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш чора тадбирларини амалга оширишда Ёшлар ташкилотлари ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларининг ўрни, уларнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, “боқимандалик”, бандликни таъминлаш, касбга йўналтириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, меҳнат бозори, оилавий бизнесни ташкиллаштириш ва ривожлантириш, ёшлар туризмининг ривожлантириш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш.

РОЛЬ МОЛОДЕЖНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ОТДЕЛОВ ПОДДЕРЖКИ МАХАЛЛИ И СЕМЬИ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Аннотация. В данной статье речь идет о роли Молодежных организаций и Отделов поддержки махалли и семьи, их целях и задачах в реализации мероприятий по обеспечению занятости молодежи и широкому становлению среди них предпринимательства в Республике Узбекистан на сегодняшний день.

Ключевые слова: малый бизнес и частное предпринимательство, «опека», обеспечение занятости, профориентация, поддержка молодежного предпринимательства, рынок труда, организация и развитие семейного бизнеса, развитие молодежного туризма, повышение социально-экономической активности молодежи.

THE ROLE OF YOUTH ORGANIZATIONS AND MAHALLA AND FAMILY SUPPORT DEPARTMENTS IN THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP

Abstract. This article deals with the role of Youth Organizations and Mahalla and Family Support Departments, their goals and objectives in the implementation of measures to ensure youth employment and the widespread development of entrepreneurship among them in the Republic of Uzbekistan today.

Keywords: small business and private entrepreneurship, "guardianship", employment, career guidance, support for youth entrepreneurship, labor market, organization and development of family businesses, development of youth tourism, increasing the socio-economic activity of young people.

КИРИШ

Фойдаланилган адабиёт ва интернет сайтлари Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тадбиркорликка катта эътибор қаратди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш устувор вазифалардан бири бўлиб, соҳа ривожда ёшларнинг муҳим ва салмоқли ҳиссаси бор. Бугунги кунда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнесфояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли микрокредитлар билан таъминлашга

кўмаклаши, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Бу эса ёшлар бандлигини таъминланиши, моддий фаровонлик ва иқтисодий мустақилликка эришилишига, “боқимандалик” кайфиятининг “замон билан ҳамнафаслик” руҳига ўзгаришига олиб келмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшлар жамиятнинг энг фаол қатлами ҳисобланиб, улар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик ғояларини ҳаётга татбиқ этувчи энг салоҳиятли кучдир. Ҳаракатлар стратегияси доирасида “Ёшлар – келажак бунёдкори”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ақлли шаҳар” каби кенг камровли дастурларни амалга оширишда ташаббускор, ҳар бир масалага янгича ёндашадиган ёшларнинг иштирокининг таъминланиши ҳам бежиз эмас.

Маиший хизмат кўрсатиш, сервис хизмати, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа турли хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш соҳалари ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган ишларнинг икки муҳим жиҳати эътиборли, яъни биринчидан, ёшларни касбга йўналтириш, ҳар томонлама замонавий, малакали кадрлар сифатида тарбиялаш, иккинчидан, ёшлар бандлиги, уларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесларини юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ёшларни таълим билан тўлиқ қамраб олиш орқали бандликни таъминлаш муҳим ўрин тутадигани, замонавий техника ва технологияларни эгаллаган, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат мазмун-моҳиятини тушунган малакали кадрлар эртанги куннинг ҳал қилувчи кучига айланади. Ёшларни касбга йўналтириш орқали ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олди олинади, шунингдек, ёшларнинг келажакка ишончи мустаҳкамланади.

Ёшлар бандлиги ижтимоий барқарорликнинг муҳим шартидир. Аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этган мамлакатимизда ишсизлик муаммосини бартараф этиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ҳукумат миқёсида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар қуйидагилардир:

--- ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш янги иш ўринларини яратиш соҳасида иш олиб бораётган давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

--- кичик тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжалиқларига, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларнинг шахсий томорқа ва деҳқон хўжалиқларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этишлари, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари, суғориш мосламалари (насослар, артезиан қудуқлари ва бошқа.) харид қилишлари учун микрокредитлар ажратиш;

--- Ишсиз ва банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш учун қисқа муддатли курслар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш;

--- оилавий бизнесни ташкиллаштириш ва ривожлантириш, бозор, талаб ва таклифни ўрганиш, шунга қараб маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизматнинг янги турларини жорий қилиш, ички бозорни юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан тўлдириш, оила бюджетини шакллантириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар ва аёллар, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли қатламининг тадбиркорлик ишини йўлга қўйишлари учун қулай шарт-шароит яратиш;

---ёшлар туризмининг ривожлантириш, туризм соҳасига инновацияларни амалиётга жорий этиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш бўйича ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш;

---ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни туризм соҳасига кенг жалб этиш, ёшларнинг туризм соҳасидаги истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш, хусусий тадбиркорлар, миллий хунармандлар, гидлар, экскурсоводлар ва йўл кўрсатувчи инструкторлар тайёрлаш асосида ёшлар бандлигини таъминлаш;

---коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчилари, ёш аёллар, Ватанга қайтиб келаётган меҳнат мигрантлари ва аҳолининг заиф қатламлари орасида ёшлар бандлигини қўллаб-қувватлаш ва амалий кўмак бериш;

---ёш тадбиркорлар ва янги бизнес бошлаш ташаббуси билан чиққан ёшларни қўллаб-қувватлаш;

---ёш тадбиркорлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликда фаолият олиб боришда бир-бирига кўмаклашиши учун шароит яратиш;

---ёшларга имтиёзли кредит олиш, ўз бизнес лойиҳаларини яратиш ва уни амалга ошириш бўйича маҳорат дарслари ташкиллаштириш, ёшларга хунар ўргатиш, “Устоз-шогирд” анъанасини тарғиб этиш, меҳнат ярмаркалари, “Бизнес саёҳат”лар, ўқув-семинарлари ташкил этиш.

МУҲОКАМА

Этироф этиш ўринлики, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ёшлар – эртанги кун давомчилари. Ёшлар билан боғлиқ муаммолари мавжуд бўлган ҳар қандай миллат ва давлатнинг келажаги йўқ. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан бирга мамлакат хавфсизлигининг кафолати ҳамдир.

Республикамызда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори иқтисодиётимизнинг таянчи ва суянчиғига айланиб улгурган кичикбизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда ва бу борада ёшларга қаратилган эътиборнинг ўрни бўлакчадир.

Ёшлар тадбиркорлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим сегменти ҳисобланади. Зеро, бугунги кундаги ёшлар, ёшлар тадбиркорлиги мамлакатимизнинг келажақдаги кифасини яратиб берадилар, бугунги ёшлар бизнесининг ривожланиши мамлакатимизнинг эртанги иқтисодий ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Шунингдек, ёшларга қаратилган эътибор далили сифатида 2018 йил 27 июнь куни Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5466-сонли Фармони келтиришимиз мумкин.

Унга кўра, мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим шarti замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш эканлиги таъкидлаб ўтилган.

ХУЛОСА

Халқ фаровонлигини ошириш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, томорқани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Бу дастурлар аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5242-сон, 2018 йил 27 июндаги ««Ёшлар-Келажагимиз» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон, 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сон ва 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3856-сон қарорлари асосида имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади. Бунда, 2020 йил 1 январдан бошлаб кредитлар АТ Халқ банки, «Микрокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида ажратиш имкониятлари яратилди.

REFERENCES

1. My.gov.uz
2. Lex.uz
3. Ш.Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз”.
4. Oliy Majlis Qonunchilik palatasi “O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonun loyihasi. 25.06.2022.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 30.10.2019 yildagi PF-5863-son.
6. Turdalievich T. A., Gulyam Y. Morphological features of pedolytical soils in Central Ferghana //European science review. – 2016. – №. 5-6. – С. 14-15.
7. Valijanovich M. O. et al. Biogeochemistry Properties of Calcisols and Capparis Spinosa L //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 3227-3235.
8. Turdaliev, A., Yuldashev, G., Askarov, K., & Abakumov, E. (2021). Chemical and biogeochemical features of desert soils of the central Fergana. Agriculture, 67(1), 16-28.